

**BK** Birinchi  
kitobim  
БИРИНЧИ КИТОБИМ



HAFIZA  
ABDUMALIKOVA  
ҲАФИЗА АБДУМАЛИКОВА

VATAN  
QUYOSHI

В А Т А Н Қ У Ё Ш И



Birinchi  
kitobim  
БИРИНЧИ КИТОБИМ



HAFIZA  
ABDUMALIKOVA

# VATAN QUYOSHI

She'rlar *Севишли устозимиз-  
за эсдалик учун!*

*Зафиза!*

«Navro'z» nashriyoti

Toshkent - 2019

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI

**TOSDO'STAVU**

AXBOROT-RESURS MARKAZI

24.03.2019

*Alif*

BBK 83.10(Ў36)

A-01

UO'K 816.634

**Abdumalikova, Hafiza**  
**Vatan quyoshi** (she'rlar). Toshkent: –  
«Navro'z» nashriyoti, 2019-y. 80 bet.

*Mas'ul muharrirlar:*

**Aziz SAID,**  
**Farog'at XUDOYQULOVA**

*Qachon inson atrofidagi olamdan o'zgacharoq – sirli-roq olamda yashay boshlaydi? Qachonki uning o'z hayratlarini, quvonch-u iztiroblarini to'kib sola oladigan – she'riyat atalmish sirdoshi bo'lsa. Hafiza ana shunday sirdoshiga qalbidagi bezovta tuyg'ularni, yurak isyonlarini izhor qilarkan, she'rxonni ham befarq qoldirmaydi.*

*«To'rt tomonga sochilib ketdim» deb boshlanadigan she'ridagi:*

*To'rt tomondan endi o'zimni  
Ko'zlaringga yig'ib olarman...*

*singari satrlarini o'qir ekansiz, kechinmalarini o'ziga xos tarzda ifodalay oladigan ijodkor shakllanayotganiga guvoh bo'lasiz.*

Ushbu kitob O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi o'tkazgan Respublika yosh ijodkorlarining Zomin seminarida nashrga tavsiya qilinib, «Ijod» fondi tomonidan moliyalashtirilgan.

ISBN 978-9943-566-70-5

© Hafiza Abdumalikova, 2019-y.

© «Navro'z» nashriyoti, 2019-y.



## ONA YURT

Terakni ham bukarkan shamol,  
Ming egilib, ming bor tik turdim.  
Sog'inganim qari majnuntol  
Bir kun nogoh singanin ko'rdim.

Yaxshiliklar qildim hammaga,  
Aziz joyni vatan deb bildim...  
Dunyo kezib yurdim, onamga  
Bitta gul ham ololmay keldim!

Vatan degan so'zga ta'rifda  
Qo'shiq ko'rdim, ko'rdim she'r, doston.  
Men bilganim asl Vatan bu –  
Ota zamin va Ona makon!



So'roqman,  
Titroqman,  
Tuproqman,  
Oyog'ingiz ostiga qarang,  
Men u yerda ko'proqman...

Dengizman,  
To'lqinman,  
Toshqinman...  
Yoningizga boraman, kuting,  
Kuch-g'ayratga to'ldim, shoshqinman.

Men gulman,  
Bahorman,  
Va gulbahorman.  
Qalbingiz toshlari yo'limni to'sgan –  
Erkin oqolmayotgan anhorman...

Yaproqman,  
Shabnamman,  
Va erkin qushman.  
Osmonga qaramang,  
Shunchaki tushman...

Betobman,  
Kitobman,  
Yuz bobman...  
Muqaddimadan to xotimagacha  
Seni qoralayotgan azobman...

## QOIDA

Kesish mumkin emas bu yerda,  
Yo'qolyapti daraxtlar navi.  
Ketmasangiz kelar bu yerga  
Tabiatning qo'riqchilari.

Tutish mumkin emas bu yerda,  
Baliqlarning ko'payishi sust.  
Tilla baliq qani, qayerda?  
Ushlab olsang, uni mahkam tut...

Hamma joyda taqiq va qoida.  
Sevmoqning ham qonunlari bor.  
Kulib qo'ymang tag'in bu joyda,  
Kulganlarga shafqat yo'q zinhor.

Kirish mumkin emas bu yerdan,  
Boring, ana, yo'lni axtaring.  
Yo'q, yaxshisi, chiqishni topib,  
Meni ham bu yerdan qutqaring...



## BEDORLIK

Tashqarida g'ala-g'ovur, ko'hna borliq  
Xuddi mening yuragimdek to's-to'polon.  
Yillar o'tdi, tentiraydi, kezib yurar  
Ko'k bag'rida ona zamin sarson-sarson...

Yuragimni bir bag'rimga bosgan edim,  
Shundan buyon u bag'rimdan ketmas hamon.  
Yigirma yil o'tsa hamki halovatlar,  
Muhabbatlar istayverar unsiz-nolon.

Bu bedorlik bizga yerdan ko'chib o'tgan...  
Endi yerdan ko'kka qarab ketmoqdamiz!  
Osmonlarga tutashsa-da bo'ylarimiz  
Yer bag'ridan uzilolmay turmoqdamiz!

Tashqarida g'ala-g'ovur, ko'hna borliq  
Xuddi mening yuragimdek to's-to'polon.  
Yillar o'tdi, tentiraydi, kezib yurar...  
Pok dillarda muhabbatlar sarson-sarson!



## BEZOVRTA TONG



Tong otmadi bugun xonamda...  
Yuragim ham nechun uyg'onmas?!  
Hurpayishar qushlar panada,  
Ne qilishin osmonlar bilmas.

Kitob, daftar sochilib yotar,  
Hamon ochiq hazrati Rumi...  
Issiq, sovuq – qay biri yoqar,  
Ishq kerakmi yoki dunyoviy?

Hayqirishar ko'klarda kimlar,  
Yig'lamoqdan yuraklar qotgan.  
Yashin chaqnar, ammo negadir  
Mehrmikin jim yig'layotgan?

Oh, osmonim, kel, bag'ringa kel,  
Seni solib yurgum ko'nglinga.  
Yig'lolmasang faryod sol, hayqir,  
So'ng olovlar yoqqin qalbinga...

Bir chaqnab, so'ng yorildi osmon,  
To'kib soldi hasratlarini.  
Mening esa yuragim hamon  
Izlab yurar o'z tonglarini...



## XALQONA

Qag'illama, qarg'ajon,  
Mening yordan ko'nglim to'q.  
Men hali ham bag'ritosh,  
Endi unda ko'nglim yo'q.

Boylayverma, boychechak,  
Dili yo'qqa dilimni.  
Oymomojon, aldama,  
Aytmayman hech sirimni.

Chittigulim, chittigul,  
Sendek ko'ngli mittiman.  
Yulduzlarga termulib  
Qarolmayman endi man.

Jonajonim Sirdaryo,  
Oqizib ket tushimni.  
Kim edi u g'oyibdan  
O'g'irlagan hushimni?

Uchib ketdi turnalar,  
Yorga nomani eltdi.  
Huv dedim, Baxmal tog'dan  
Bag'ringa shamol tegdi.

Sangzor qarshi daryoning  
Suvlari to'g'ri oqsa.  
Mening qaysarligim ham  
Zoraki yorga yoqsa...

Ortga qayting, turnalar,  
Mening endi ko'nglim to'q.  
O'ylab ko'rsam, aslida,  
Hech kimsada ko'nglim yo'q.

Bir tomonda Jizzaxiy,  
Bir tomonda Boysunman!  
Men aslida Sirdaryo  
Ostida yotgan qumman...

Dilni endi Sangzorning  
Tubiga yashiraman.  
So'ng yashagum she'r ila,  
Mastonliklar ichra man...

Dostonliklar ichra man...





## KO'NIKISH

Bir kuni bahorlar qaytib kelarlar,  
Bir kuni qorlarni sog'inadi qish.  
Bir kuni bog'imga xazonlar yog'sa,  
Senda sog'inch yonar, menda ko'nikish.

Bir kuni qarg'alar uchib ketarlar  
Qaytarar osmon ham turnalarini.  
Sen yonib eslarsan shunda, ehtimol,  
Men unutib bo'lgan xotiralarni.

Bir kuni daydi it topadi makon,  
Qahramon bo'lar u... Olar ko'p olqish.  
Bir kuni tenglashar zamin-u osmon,  
Senda afsus yonar, menda esa ishq.

Bir kuni Oy bilan topishgay Oftob,  
Bir kuni shamollar qasdidan tushar.  
Sen bir kun kecharsan vaslimdan, biroq...  
Mening yuragimda mangu ishq yashar.

Bir kuni ming kunlik bir kun keladi.  
Bahorga mehrini bera boshlar qish.  
Sen judo aylading dilni sog'inchdan,  
Oh, yomon ko'nikish, yomon ko'nikish...

\* \* \*

Qulab tushmayapti, osmonga rahmat,  
Yutib yubormaydi, yerga ming shukur.  
Turli xil ko'zlarni ko'rdim-u, ammo  
Sening ko'zlaringga o'xshash yo'q butkul.

Yozda yog'mayapti qorlar yaxshiki,  
Bahorlar yomg'irsiz o'tmagay, shukur.  
Seni uchratmasam dunyoda balki,  
Men ishqni his qilmay yashardim butkul.

Uchib kelishyapti turnalar hanuz  
Tars yorilib ketmas, Oy uchun shukur.  
Barcha oshiq yolg'on, sen chinsan yolg'iz...  
Men seni tan olib o'tgum bir umr.





## SOATSOZ

Bu asrda soatlar har xil  
Chiqillamas... Oh, qandayin soz!  
Faqat sening soating farqli,  
Soatsoz.

Tuzatilmas buzuq soatlar...  
Ustaxona! Soat yo'q nosoz.  
Endi senga bo'ysunmas vaqtlar,  
Soatsoz...

Chiqillaydi yuragim, tingla!  
Eshitilar ishq degan ovoz.  
Hech soatlar buzilmas endi,  
Soatsoz...

Sevib qolgan beboshman chog'i,  
Dunyo ozor, dunyo dard, xolos...  
Kel, tuzatgin qalbimning dog'in,  
Soatsoz...



## O'N SAKKIZ YOSH

O'n sakkiz yosh, bag'rimni tilding,  
O'n sakkizta tomirim qiynab.  
O'n sakkiz yosh, yurakka kirding,  
O'n sakkizta yurakni tirnab.

O'n sakkiz yil yashadim guldek,  
O'n sakkiz ming olam qoshida.  
O'n sakkiz yil besabr kutdim:  
«O'n sakkizga kirmoq yaxshi-da!»

O'n sakkizning yolg'onlari chin,  
O'n sakkiz yosh rost so'zlamaydi.  
O'n sakkiz yil kutgan baxtimni  
O'n sakkiz ming olam bilmaydi.

O'n sakkizda tonglar nurafshon,  
O'n sakkizning bahori tamom.  
O'n sakkiz kun! So'ngra ketaman  
O'n to'qqizning bahori tomon.

O'n sakkizda qolding, muhabbat,  
O'n to'qqizda sevib bo'lmaydi.  
O'n sakkizda yonganing kabi  
O'n to'qqizda yonib bo'lmaydi.

Ishqim, mendan sira ranjima,  
O'n to'qqizni yengib olaman.  
Doim yonib yashamoq uchun  
O'n sakkizda mangu qolaman!!!

**BAG'RITOSH**

Men yuraksiz dunyoga keldim!  
Menga toshdan bag'ir berdilar.  
Men yig'labmas, kulib tug'ildim.  
So'ngra, ishqdan ayril, dedilar.

Boshga toshlar otdilar bot-bot!  
Tosh boshgamas, bag'ringa tegdi.  
Boshi toshlar yaratgan hayot,  
Bag'ritosh deb boshimni egdi.

Ishqsiz edim, g'amlar berdilar,  
G'amni ishqsiz yurakka soldim.  
Rad etildi necha sevgilar,  
So'ng sevgisiz dunyoda qoldim!

Men yuraksiz dunyoga keldim  
Va tilaksiz yashadim shundan...  
Tangrim, menga yurak topib ber  
Yuraksizlar mamlakatidan!



## SULUV QIZ VA BAHODIR HAQIDA



Tun og'adi qishloqqa,  
Yurak tepa boshlaydi.  
«Kelasanmi ko'rmoqqa?» –  
Qiz ko'zini yoshlaydi.

Va'da beradi yigit,  
«Kelaman» – der. Kelmaydi!  
Ammo har tun qiz uni  
Kutishni unutmaydi.

Kun yorishar, qiynoqda  
Qizning dili kulmaydi.  
Yigit bug'doy o'roqda,  
Tinmaydi-ya tinmaydi.

Yozlar o'tdi, so'ngra kuz  
Yigit band, kelolmaydi.  
Kutaverar suluv qiz  
Kelarmikan, bilmaydi.

Yillar o'tar... bir yurak  
Hamon tipirchilaydi.  
Va'da bergan bahodir,  
Endi balki kelmaydi...





«Men roziman, onajon,  
Kelin bo'laman, mayli...»  
Oh tortar yetti jahon...  
Nahot boshqa kutmaydi?

Sovriladi maktublar,  
Dil izhorlar yonadi.  
Ishq esa hamon uni  
Yigitdan qizg'onadi.

Qishloqda gap tarqalar:  
To'y bo'ladi ertaga.  
Yigit o'roqni tashlar,  
Kutmabdi-da... nimaga?

Darpardalar tortilar,  
Mahkamlanadi eshik...  
Qiz qismatni yor bilar —  
Tushlarida juft beshik...



## MAKTUBLAR

Qachonlardir sen yozgan xatlar  
Saqlanadir hali ham menda.  
Axir qancha eski bo'lsa ham  
Dil izhoring bitilgan unda!

Sanalar ham yozilgan qator,  
Unutmasin degansan chog'i.  
Unutmadim, o'ylaganingdek,  
O'sha xushnud damlarning yodin.

Tonglar otdi... Seni topmadim!  
Tunlar botdi... Sensiz diydirab!  
Ammo hamon ko'zlarimda cho'g'  
Yonib turar rashkdan zirillab...

Hamon o'sha-o'shadirman men,  
O'zgarmadi Oy bilan yulduz.  
Hamon o'sha-o'shasan-u Sen,  
Ammo sana boshqadir, afsus...

O'rtamizda gina-kudurat,  
Bo'lsa hamki shuncha arazlar.  
Hamon dilni entiktirmoqda  
Qachonlardir sen yozgan xatlar...



\* \* \*

Ko'kda oh yonar, mening  
Yuragimda faryod bor.  
Yorijon, kelgin sening  
Ishqing bo'lay beg'ubor.

Quyoshning jinsi yo'qdir,  
Oyning o'g'il bolasi.  
Shoirning bari bitta  
Xudoyimning bandasi.

Men oshiqman, lek bilmam  
Kimni sevib qolganman.  
Balki sevmuqlik uchun  
Shoir bo'lib olganman.

She'rda so'z yonar, mening  
Ko'zimda bir ko'z yashar.  
Aldolmaysan sen meni,  
Bolamasman o'n yashar.

Ko'kda oh yonar, mening  
Yuragimda bir baxt bor.  
Yorijon, kelgin sening  
Darding bo'lay beg'ubor...

Yuragimdan ket g'ubor,  
Yuragimdan ket g'ubor...

## OSHIQ O'RIK

Soatim chiqillaydi...  
Oynani chertar kimdir.  
Kim ekan u? Yuragim  
Titray boshladi dir-dir.

Shamol bo'lsa keragov  
Nedandir suyungandir.  
Shu bugun balki birov  
Ko'zimni sog'ingandir.

Bo'ldi, bas, chidolmayman,  
Ko'rayin-chi, kim ekan?  
Taq-taq qilaverib-a  
Mening jonimga tekkan...

Darpardani ochdim-u,  
Kuldim rosa miriqib.  
Taq-taq qilgan odammas –  
Ekan qandak o'rigim...



\* \* \*

Qadimgi yunon faylasufi Geraklit  
«Hamma narsa olovdan kelib chiqqan»,  
deb ta'lim bergan.

Ishq – olov,  
Dil – olov,  
Yer – olov,  
Yonmoqda ishq bilan ko'ngillar.

Sen – olov,  
Men – olov,  
Olov – U,  
Qara, kuymoqda-ku bu dillar.

So'z – olov,  
She'r – olov,  
Kuy – olov,  
Qo'shiqda so'zlarim lovullar.

Mehr – yo'q,  
Sehr – yo'q,  
Yo'q – adl,  
Oh, buncha shafqatsiz olovlar.

Dil yondi,  
Ishq yondi,  
Yondi ko'z,  
Yolg'onlar yurakni sehrlar.

Ishq – olov,  
 Sen – olov,  
 Olov – U,  
 Otashga aylangan mehrlar,  
 Oh, toshga aylangan mehrlar.

\* \* \*

Qul bozorda hozir qullar sotilmaydi,  
 Dil bozorda endi dillar sotilmaydi.  
 Bevafo yor, yonimizga kela ko'rmang,  
 Endi bizda ishq-mehrlar topilmaydi.

Yo'q, dedingiz, yo'qligimiz armon bo'ldi,  
 Ket, dedingiz, yo'llarimiz ravon bo'ldi.  
 Bugun sizni dunyolardan so'ramaymiz,  
 Sog'inch o'ldi, sog'inch o'ldi, sog'inch o'ldi.

Qayt demoqqa ojiz qoldi so'zlarimiz,  
 Endi ko'zlar intiq-nolon termulmaydi.  
 Men yurakni, siz dunyoni ko'zladingiz  
 Nima uchun, nega osmon qulamaydi?

Yo'q, dedingiz, yo'qligimiz armon bo'lsin!  
 Ket, dedingiz, yo'llaringiz ravon bo'lsin.  
 Endi sizni osmonlardan so'ramaymiz,  
 Tilagimiz – yuragingiz osmon bo'lsin!



\* \* \*

Esiz, esiz, esiz, Onajon,  
Sizni yomon ranjitgan edim.  
Yamoq ko'ylak kiymayman deya,  
Yamog'ingdan ko'z tortgan edim!

Qurib ketsin qo'li kaltalik,  
Qurib ketsin u sovuq so'zlar.  
Qurib ketsin, yamoq tegmagan  
Egnimdagi shoyi, atlaslar...

Qaydasan, ey, eski ko'ylagim?  
Seni kiymoq istayman yana...  
Parcha-parcha butun yuragim,  
Endi uni yamab ber, ona!



## GUL

Mendan bitta gulga qarzdorsiz,  
Dunyosidan topilmas bir gul.  
Ishqim qoldi bo'z, xaridorsiz  
Sizdan ko'ngil uzdim, men butkul.

Siz ketdingiz shuni kutgandek,  
So'nggi so'zni aytmay ketdingiz.  
Ko'nglim bilan biz yolg'iz qoldik,  
Balkim siz murodga yetdingiz.

Shundan buyon she'rlarim mahzun  
Va shunchaki yashab yuribman.  
Kunlar qisqa, tunlarim uzun,  
Qayda, qachon, nega sevibman?

Xursand bo'lmang, umid so'nmadi.  
Men yashashga oshufta hamon.  
Hamma ko'ndi, ko'ngil ko'nmadi.  
Boshlayverdi meni siz tomon.

Oh! Xotira bunchalar yomon,  
O'n sakkizda qolgan ozorsiz!  
Yo'lingizga ko'z tikkum hamon,  
Axir, bitta gulga qarzdorsiz!!!



## ADASHGAN KAPALAK

Bahor bog'laridan kelgan adashib  
Kuzgi xazonlarda yurgan kapalak.  
Bahor-u kuzlari adashib ketgan  
Ko'ksimda yashaydi bir yurak.

Uning tunlari yo'q, kunduzlari yo'q.  
Faqat og'riqlarni sezadi, faqat.  
Uning osmoni-yu yulduzlari yo'q,  
Uning botinida sog'inchlar qat-qat.

Quyuq tuman aro yo'qolib ketgan  
Anov kapalakning qadrdon bog'i.  
Uning qanotiga jarohat yetgan,  
Mening yuragimda og'riqlar dog'i.

Balki bahorlarni topsa bo'ladi,  
Balki tumanlari tarqar bog'larning.  
Ehtimol, qorlardan o'tsa bo'ladi,  
Ehtimol, davosi bordir dog'larning.

Bahor bog'laridan kelgan adashib,  
Kuzgi xazonlarda yurgan kapalak.  
Bahor-u kuzlari adashib ketgan  
Telba yuragimga bir davo kerak.



Uvilladi bechora dashtlar,  
G'uvilladi tun bo'yi shamol.  
Endi yurak dod sola boshlar,  
Endi nurga aylandi xayol.

So'ng dunyolar sovriildi betin,  
Men sen uchun so'zlarni tizdim.  
Yaralandim, yaraldim beun,  
Ishq yo'lini piyoda kezdim.

Shu-shu dilda jaranglaydi baxt,  
Boshlarida kumush qo'ng'iroq.  
Tangrim, meni kuy qilib yarat,  
Yuraklarni sayr etay uzoq...





## YONISH

Ko'nglim yonib ketdi mening,  
Dilim yondi qo'shilib.  
Qalbing xotirjammi sening,  
Ketmadimi to'kilib?

Ishqim kulga aylandi,  
Rashkim o't qo'ydi lov-lov.  
Sening ishqing omonmi –  
Yamlamadimi olov?

Bag'rim osmonga do'ndi,  
Yuragim shafaqlarga.  
To'ldi, yuragim to'ldi  
Nurli-nurli shahdlarga.

Ko'ksim yonmoqda mening,  
Bo'shliqlarim yonmoqda.  
Osmoning bormi sening  
Yulduzga aylanmoqqa?



## XABAR YO'Q



Qara, yo'llar tekis va ravon,  
Qara, bizda kezmaydi sovuq.  
Shuncha imkon bo'lsa ham nega,  
Hamon sendan biror xabar yo'q?

Qara, tunlar cho'kmaydi bunda,  
Tikonlarning ko'zlari yumuq.  
Axir, senga nima yetmaydi,  
Nega hamon biror darak yo'q?

Gullarimni o'ldirib qo'ydim,  
Yomg'irlarga uraverib do'q.  
Ko'cham loy ham, chang ham emasdir,  
Biroq sendan biror xabar yo'q.

Injiqlanib yomg'ir ham yog'di,  
Izlab izing, qaytib keldi o'q!  
Bahorlardan xabar keldi-yu,  
Lekin sendan hamon xabar yo'q!





## MANZIL

Samodan bir tush keldi,  
Sen baxtiyor emishsan.  
Yurakka bu xush keldi,  
O'y labsan-da, demak san!

Misradan nido keldi,  
Beqaror sabo keldi.  
Oh desam, yuragimga  
Jannatiy havo keldi.

Nega yig'lagim keldi,  
Nimagadir jilmaygim.  
Endi sensiz bu ozor,  
Dardga qanday chidayin?

Olisdan karvon keldi,  
Yuragimga xushxabar.  
Biroq seni topmadim,  
Bekor bo'ldi tush, xabar...

Anglaganim aslida,  
Sen ko'zimning aksida.  
Men esa endi sening  
Muhabbating bahsida.

Nega nurdan yaratding,  
Endi yongum qaygacha?  
Muncha meni qiynading,  
Ishqdan muhabbatgacha!

Seni alqadim yana  
Turoqdan turoqqacha.  
Mening borar manzirim  
Yurakdan yurakkacha.

\* \* \*

Yulduz uchdi, eng yorug' yulduz  
Yuragimga uchib kelyapti.  
Nigohingning ozorlari, yor,  
Nigohimga ko'chib kelyapti.

Barglar uchdi, xazonlar uchdi,  
Uchib ketdi dildagi g'amlar.  
G'amlarga qo'shilib, azizim,  
O'chib ketdi ko'zimdan namlar...



To'rt tomonga sochilib ketdim,  
Xayollarim yig'olmayapman.  
Balki osmon tubiga yetdim,  
Balki yerga... bilolmayapman.

Ehtimol, men g'ussa dashtida  
Yurgandirman ishqsiz, diydirab.  
Balki cho'l-u biyobonlarni  
Kezadirman Majnunga o'xshab.

To'rt tomonim kutar, ko'zi to'rt,  
Har bittasi bir umrlik yo'l.  
Qani endi imkoni bo'lsa,  
Tomonlarsiz yashamoq ma'qul.

To'rt tomondan endi o'zimni  
Ko'zlaringga yig'ib olarman...  
Qumlar yuvsin bari izimni,  
Endi senman, senda qolarman.

Faqat senda...  
Senda qolarman.



## O'ZIM BILAN SUHBAT



So'rading sen mendan erkinlik  
Osmoni keng bo'lgan,  
Havosi cheksiz...  
Kengliklar istading:  
«Boraylik!»  
Yur,  
Uning ko'zlari bepoyon kenglik.  
Dedingki,  
Yashashni istayman «tartibsiz».  
Boq, bundan tartibsiz yashab bo'lurmi?  
Jar solib aytaylik:  
«Ha, ha, sevaman!»  
To'xtagin  
Havvolar ochmaydi sirni...  
Ketaylik bosh olib,  
Deding: «Ikkimiz...»  
Kel,  
Yonib yashaymiz muzlikda.  
«Axir, u yoqlarda toshbag'irlar yo'q  
Muztoshga aylansin sevgimiz!»  
Kechir, men  
Yashayman tong bilan birga  
Deding: «Ey afim<sup>1</sup>, bu bayzo<sup>2</sup> xulyo<sup>3</sup>.»  
Sen ishqsan,  
Men esa aqlman.  
Biz – yurak atalmish yashirin dunyo!

<sup>1</sup> Афиф – иффатли.

<sup>2</sup> Байзо – қуёш.

<sup>3</sup> Хулё – хаёлий нарса.





## ANGLASH

Endi bari oydinlashdi,  
Endi bari bezabon,  
Sarxush.  
Mening yuragimning shaklida  
Kezib yurar osmonda bir qush.  
Va nihoyat,  
Hammasi ayon,  
Sen telbami  
Yoki men behush.  
Huv xazonlar mamlakatida  
Kezib yurar ikkimiz.  
Bor tush...  
Shukur, bori  
Aylandi rostga.  
Men erkinlik,  
Sen cheksiz  
Kenglik!  
Anglaganim, dunyoyimizda  
Sokinlik bor edi,  
Faqat  
Sokinlik!!!



## MEN SENI...

Men seni samodan yaratib oldim,  
Men seni ro'yodan yaratib oldim,  
Men seni ohangdan taratib oldim,  
Kelgin sen, kelgin sen, kelgin sen...

Men seni quyoshdan qaratib oldim,  
Dunyodan, tog'lardan ajratib oldim.  
Men seni jimitdek yurakka soldim,  
Sevgin sen, sevgin sen, sevgin sen!!!

Men seni osmonga mengzadim, orim,  
Men seni bulutdan kuzatdim, toldim.  
Bilmadim, bilmadim, sen buncha zolim,  
Kel... ketgin, kel... ketgin, kelgin... ket!

Men seni anglashni istadim, kimsan?  
Men seni chorladim, eshitding, jimsan!  
Sen mening ishqimsan, mening ishqimsan,  
Sevgin... sev, sevgin... sev, sevgin... sev!



\* \* \*

Men toshga aylanay, dedim,  
Bo'lmadi,  
Bezovta larzonga aylandim.

Men gulga o'xshashni istadim,  
Ammo  
Diltitrar mezonga aylandim.

So'ng shamol bo'lmoqqa ayladim jazm,  
Biroq  
Isyonkor to'zonga aylandim.

Men tag'in istadim bahor bo'lmoqni,  
Boqing,  
Ilojsiz, xazonga aylandim.

Istadim muhabbat bo'lmoqni oxir,  
Afsuski,  
Sarsonga aylandim...

To'g'rimas hech biri ruhimga,  
Axir,  
Men qachon insonga aylangum?!



\* \* \*

Uch nuqta... Bu –  
Sening isming.  
Uch nuqta... Bu –  
Mening ismim.  
Bir zamonlar  
Uchta nuqtadan,  
Entikardi  
Yuragim, jismim.  
Eslolmayman,  
Aslida kimsan?  
Dunyolarga hayqirdim,  
Jimsan.  
Isming atab  
Axtaray desam,  
Na choraki,  
Sen ismsizsan!  
Uch nuqta... Bu –  
O'rtamizdagi  
Ishq yo'lini uzgan  
Tafovut...  
So'zlarimni, izhorlarimni  
Nuqta bilan tugatdim...  
Unut.  
Men nuqtaman –  
Yo'llarni yutgan,  
Faqat xayoi yashar  
Hurlikda.

Butun umr  
Yonib kutganim  
Sen – ozodlik ramzi:  
Uch  
Nuqta...

\* \* \*

Faryod soldi,  
Dod soldi,  
Oxir otilib chiqdi.  
Qaysi g'amga chidolmay  
Bulut to'kilib tushdi.  
O'zin urdi  
O'ng-so'lga,  
Chorasin topolmadi.  
Oxir to'kildi  
Yerga,  
Ko'kda yulduz qolmadi.  
Sharq-u g'arbni  
Kezdi-yu,  
Topmadi topilg'ini.  
Peshonasin yorganmi,  
Ko'rdim oy sinig'ini.  
Izladim  
Telba, nochor...  
Yer yuzin kezib chiqdim.  
«Sen» degandim,  
Yo'linga  
Osmon  
To'kilib tushdi!



\* \* \*

Birovlar yurib yo'l bosadi,  
 Birovlar yugurib yashaydi.  
 Kimdir hatto uchmoqqa qodir...  
 Men esa  
 Shundoq ko'zimni yumaman-u,  
 Ulkan bir dunyoning  
 Qarshisidan chiqaman.  
 Bu dunyoning nomi  
 Sokinlik...  
 Tashvishni,  
 Tundlikni,  
 G'ashlikni  
 Va hattoki hijronni ham yutguvchi  
 Sokinlik!  
 Na choraki, dunyoyingizdan  
 Ko'zni yumib o'tishlikning  
 Huquqi yo'q...





## MASRURLIK

Men Majnunning ishqida yongan,  
Olov qalbdan qolgan ozorman.  
Ishq ham tongan, sog'inch yo'qolgan.  
Men o'zimdanda qattiq bezorman.

Olovlanmay yonib ketgan dil  
Faryodiga tushunmay lolman!  
Mast-u alast yashamish Bedil,  
Ichmay turib mastman, beholman.

Dunyolarni piyoda kezib,  
Yana takror yonsam mayliga.  
Faqat sening borliging sezib,  
So'ng ketaman ko'ngil sayliga!



## MUNDARIJA

Ona yurt.....	3
«So‘roqman...».....	4
Qoida.....	5
Bedorlik.....	6
Bezovta tong.....	7
Xalqona.....	8
Ko‘nikish.....	10
«Qulab tushmayapti...».....	11
Soatsoz.....	12
O‘n sakkiz yosh.....	13
Bag‘ritosh.....	14
Suluv qiz va bahodir haqida.....	15
Maktublar.....	17
«Ko‘kda oh yonar...».....	18
Oshiq o‘rik.....	19
«Ishq – olov...».....	20
«Qul bozorda...».....	21
«Esiz, esiz...».....	22
Gul.....	23
Adashgan kapalak.....	24
«Uvilladi bechora dashtlar...».....	25
Yonish.....	26
Xabar yo‘q.....	27
Manzil.....	28
«Yulduz uchdi...».....	29
«To‘rt tomonga...».....	30
O‘zim bilan suhbat.....	31

Anglash.....	32
Men seni... ..	33
«Men toshga aylanay...».....	34
«Uch nuqta... bu...».....	35
«Faryod soldi...».....	36
«Birovlar yurib yo‘l bosadi...».....	37
Masrurlik.....	38



ҲАФИЗА  
АБДУМАЛИКОВА

# ВАТАН ҚУЁШИ

Шеърлар

«Navro‘z» нашриёти  
Тошкент – 2019



Абдумаликова, Ҳафиза  
Ватан қуёши (шеърлар). Тошкент: –  
«Navro'z» нашриёти, 2019 й. 80 бет.

*Масъул муҳаррирлар:*

Азиз САИД,  
Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА

Қачон инсон атрофидаги оламдан ўзгача-роқ – сирлироқ оламда яшай бошлайди? Қачонки унинг ўз ҳайратларини, қувончу изтиробларини тўкиб сола оладиган – шеърият аталмиш сирдоши бўлса. Ҳафиза ана шундай сирдошига қалбидаги безовта туйғуларни, юрак исёнларини изҳор қиларкан, шеърхонни ҳам бефарқ қолдирмайди.

«Тўрт томонга сочилиб кетдим» деб бошланадиган шеъридаги:

*Тўрт томондан энди ўзимни  
Қузларинга йиғиб оларман... –*

сингари сатрларини ўқир экансиз, кечинмаларини ўзига хос тарзда ифодалай оладиган ижодкор шаклланаётганига гувоҳ бўласиз.

*Ушбу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўтказган Республика ёш ижодкорларининг Зомин анъанавий семинарида нашрга тавсия қилиниб, «Ижод» фонди томонидан молиялаштирилган.*

ISBN 978-9943-566-70-5

© Ҳафиза Абдумаликова, 2019 й.  
© «Navro'z» нашриёти, 2019 й.

## ОНА ЮРТ

Теракни ҳам букаркан шамол,  
Минг эгилиб, минг бор тик турдим.  
Соғинганим қари мажнунтол  
Бир кун ногоҳ синганин кўрдим.

Яхшиликлар қилдим ҳаммага,  
Азиз жойни ватан деб билдим...  
Дунё кезиб юрдим, онамга  
Битта гул ҳам ололмай келдим!

Ватан деган сўзга таърифда  
Қўшиқ кўрдим, кўрдим шеър, дoston.  
Мен билганим асл Ватан бу –  
Ота замин ва Она макон!



\* \* \*

Суроқман,  
Титроқман,  
Тупроқман,  
Оёғингиз остига қаранг,  
Мен у ерда кўпроқман...

Денгизман,  
Тўлқинман,  
Тошқинман...  
Ёнингизга бораман, кутинг,  
Куч-ғайратга тўлдим, шошқинман.

Мен гулман,  
Баҳорман,  
Ва гулбаҳорман.  
Қалбингиз тошлари йўлимни тўсган –  
Эркин оқолмаётган анҳорман...

Япроқман,  
Шабнамман,  
Ва эркин қушман.  
Осмонга қараманг,  
Шунчаки тушман...

Бетобман,  
Китобман,  
Юз бобман...  
Муқаддимадан то хотимагача  
Сени қоралаётган азобман...



## ҚОИДА

Кесиш мумкин эмас бу ерда,  
Йўқоляпти дарахтлар нави.  
Кетмасангиз келар бу ерга  
Табиатнинг кўриқчилари.

Тутиш мумкин эмас бу ерда,  
Балиқларнинг кўпайиши суст.  
Тилла балиқ қайда, қаерда?  
Ушлаб олсанг, уни маҳкам тут...

Ҳамма жойда тақиқ ва қоида.  
Севмоқнинг ҳам қонунлари бор.  
Кулиб қўйманг тагин бу жойда,  
Кулганларга шафқат йўқ зинҳор.

Кириш мумкин эмас бу ердан,  
Боринг, ана, йўлни ахтаринг.  
Йўқ, яхшиси, чиқишни топиб,  
Мени ҳам бу ердан қутқаринг...



## БЕДОРЛИК

Ташқарида ғала-ғовур, кўхна борлиқ  
 Худди менинг юрагимдек тўс-тўполон.  
 Йиллар ўтди, тентирайди, кезиб юрар  
 Кук бағрида она замин сарсон-сарсон...

Юрагимни бир бағримга босган эдим,  
 Шундан буён у бағримдан кетмас ҳамон.  
 Йигирма йил ўтса ҳамки ҳаловатлар,  
 Муҳаббатлар истайверар унсиз-нолон.

Бу бедорлик бизга ердан кўчиб ўтган...  
 Энди ердан кўкка қараб кетмоқдамиз!  
 Осмонларга туташса-да буйларимиз  
 Ер бағридан узилолмай турмоқдамиз!

Ташқарида ғала-ғовур, кўхна борлиқ  
 Худди менинг юрагимдек тўс-тўполон.  
 Йиллар ўтди, тентирайди, кезиб юрар...  
 Пок дилларда муҳаббатлар сарсон-сарсон!



## БЕЗОВТА ТОНГ

Тонг отмади бугун хонамда...  
Юрагим ҳам нечун уйғонмас?!  
Хурпайишар қушлар панада,  
Не қилишин осмонлар билмас.

Китоб, дафтар сочилиб ётар,  
Ҳамон очиқ ҳазрати Румий...  
Иссиқ, совуқ – қай бири ёқар,  
Ишқ керакми ёки дунёвий?

Ҳайқиришар кўкларда кимлар,  
Йиғламоқдан юраклар қотган.  
Яшин чақнар, аммо негадир  
Меҳрмикин жим йиғлаётган?

Оҳ, осмоним, кел, бағримга кел,  
Сени солиб юргум кўнглимга.  
Йиғлолмасанг фарёд сол, ҳайқир,  
Сўнг оловлар ёққин қалбимга...

Бир чақнаб, сўнг ёрилди осмон,  
Тўкиб солди ҳасратларини.  
Менинг эса юрагим ҳамон  
Излаб юрар ўз тонгларини...

## ХАЛҚОНА

Қағиллама, қарғажон,  
Менинг ёрдан кўнглим тўқ.  
Мен ҳали ҳам бағритош,  
Энди унда кўнглим йўқ.

Бойлайверма, бойчечак,  
Дили йўққа дилимни.  
Оймоможон, алдама,  
Айтмайман ҳеч сиримни.

Читтигулим, читтигул,  
Сендек кўнгли митгиман.  
Юлдузларга термулиб  
Қаролмайман энди ман.

Жонажоним Сирдарё,  
Оқизиб кет тушимни.  
Ким эди у ғойибдан  
Ўғирлаган ҳушимни?

Учиб кетди турналар,  
Ёрга номани элтди.  
Хув дедим, Бахмал тоғдан  
Бағримга шамол тегди.

Санзор қарши дарёнинг  
 Сувлари тўғри оқса,  
 Менинг қайсарлигим ҳам  
 Зораки ёрга ёқса...

Ортга қайтинг, турналар,  
 Менинг энди кўнглим тўқ.  
 Ҳайлаб кўрсам, аслида,  
 Ҳеч кимсада кўнглим йўқ.

Бир томонда Жиззахий,  
 Бир томонда Бойсунман!  
 Мен аслида Сирдарё  
 Остида ётган қумман...

Дилни энди Санзорнинг  
 Тубига яшираман.  
 Сўнг яшагум шеър ила,  
 Мадонликлар ичра ман...

Достонликлар ичра ман...



## КЎНИКИШ

Бир куни баҳорлар қайтиб келарлар,  
 Бир куни қорларни соғинади қиш.  
 Бир куни боғимга хазонлар ёғса,  
 Сенда соғинч ёнар, менда кўникиш.

Бир куни қарғалар учиб кетарлар  
 Қайтарар осмон ҳам турналарини.  
 Сен ёниб эсларсан шунда, эҳтимол,  
 Мен унутиб бўлган хотираларни.

Бир куни дайди ит топади макон,  
 Қаҳрамон бўлар у... Олар кўп олқиш.  
 Бир куни тенглашар замин у осмон,  
 Сенда афсус ёнар, менда эса ишқ.

Бир куни Ой билан топишгай Офтоб,  
 Бир куни шамоллар қасдидан тушар.  
 Сен бир кун кечарсан васлимдан, бироқ...  
 Менинг юрагимда мангу ишқ яшар.

Бир куни минг кунлик бир кун келади.  
 Баҳорга меҳрини бера бошлар қиш.  
 Сен жудо айладинг дилни соғинчдан,  
 Оҳ, ёмон кўникиш, ёмон кўникиш...



Қулаб тушмаяпти, осмонга раҳмат,  
Ютиб юбормайди, ерга минг шукур.  
Турли хил кўзларни кўрдим-у, аммо  
Сенинг кўзларингга ўхшаш йўқ буткул.

Ёзда ёғмаяпти қорлар яхшики,  
Баҳорлар ёмғирсиз ўтмагай, шукур.  
Сени учратмасам дунёда балки,  
Мен ишқни ҳис қилмай яшардим буткул.

Учиб келишяпти турналар ҳануз  
Тарс ёрилиб кетмас, Ой учун шукур.  
Барча ошиқ ёлғон, сен чинсан ёлғиз...  
Мен сени тан олиб ўтгум бир умр.



## СОАТСОЗ

Бу асрда соатлар ҳар хил  
Чиқилламас... Оҳ, қандайин соз!  
Фақат сенинг соатинг фарқли,  
Соатсоз.

Тузатилмас бузуқ соатлар...  
Устахона! Соат йўқ носоз.  
Энди сенга бўйсунмас вақтлар,  
Соатсоз...

Чиқиллайди юрагим, тингла!  
Эшитилар ишқ деган овоз.  
Ҳеч соатлар бузилмас энди,  
Соатсоз...

Севиб қолган бебошман чоги,  
Дунё озор, дунё дард, холос...  
Кел, тузатгин қалбимнинг доғин,  
Соатсоз...



## ЎН САККИЗ ЁШ



Ўн саккиз ёш, бағримни тилдинг,  
Ўн саккизта томирим қийнаб.  
Ўн саккиз ёш, юракка кирдинг,  
Ўн саккизта юракни тирнаб.

Ўн саккиз йил яшадим гулдек,  
Ўн саккиз минг олам қошида.  
Ўн саккиз йил бесабр кутдим:  
«Ўн саккизга кирмоқ, яхши-да!»

Ўн саккизнинг ёлгонлари чин,  
Ўн саккиз ёш рост сўзламайди.  
Ўн саккиз йил кутган бахтимни  
Ўн саккиз минг олам билмайди.

Ўн саккизда тонглар нурафшон,  
Ўн саккизнинг баҳори тамом.  
Ўн саккиз кун! Сўнгра кетаман  
Ўн тўққизнинг баҳори томон.

Ўн саккизда қолдинг, муҳаббат,  
Ўн тўққизда севиб бўлмайди.  
Ўн саккизда ёнганинг каби  
Ўн тўққизда ёниб бўлмайди.

Ишқим, мендан сира ранжима,  
Ўн тўққизни енгиб оламан.  
Доим ёниб яшамоқ учун  
Ўн саккизда мангу қоламан!!!

## БАҒРИТОШ

Мен юраксиз дунёга келдим!  
Менга тошдан багир бердилар.  
Мен йиғлабмас, кулиб туғилдим.  
Сўнгра, ишқдан айрил, дедилар.

Бошга тошлар отдилар бот-бот!  
Тош бошгамас, бағримга тегди.  
Боши тошлар яратган ҳаёт,  
Бағритош деб бошимни эгди.

Ишқсиз эдим, ғамлар бердилар,  
Ғамни ишқсиз юракка солдим.  
Рад этилди неча севгилар,  
Сўнг севгисиз дунёда қолдим!

Мен юраксиз дунёга келдим,  
Ва тилаксиз яшадим шундан...  
Тангрим, менга юрак топиб бер  
Юраксизлар мамлакатидан!



## СУЛУВ ҚИЗ ВА БАҲОДИР ҲАҚИДА

Тун оғади қишлоққа,  
Юрак тепа бошлайди.  
«Келасанми кўрмоққа?» –  
Қиз кўзини ёшлайди.

Ваъда беради йигит,  
«Келаман» – дер. Келмайди!  
Аммо ҳар тун қиз уни  
Кутишни унутмайди.

Кун ёришар, қийноқда  
Қизнинг дили кулмайди.  
Йигит буғдой ўроқда,  
Тинмайди-я тинмайди.

Ёзлар ўтди, сўнгра куз,  
Йигит банд, келолмайди.  
Кутаверар сулув қиз,  
Келармикан, билмайди.

Йиллар ўтар... бир юрак  
Ҳамон типирчилайди.  
Ваъда берган баҳодир,  
Энди балки келмайди...

«Мен розиман, онажон,  
Келин бўламан, майли...»  
Оҳ тортар етти жаҳон...  
Наҳот бошқа кутмайди?

Соврилади мактублар,  
Дил изҳорлар ёнади.  
Ишқ эса ҳамон уни  
Йигитдан қизғонади.

Қишлоқда гап тарқалар:  
Тўй бўлади эртага.  
Йигит ўроқни ташлар,  
Кутмабди-да... нимага?

Дарпардалар тортилар,  
Маҳкамланади эшик...  
Қиз қисматни ёр билар —  
Тушларида жуфт бешик...



## МАКТУБЛАР

Қачонлардир сен ёзган хатлар  
Сақланадир ҳали ҳам менда.  
Ахир қанча эски бўлса ҳам  
Дил изҳоринг битилган унда!

Саналар ҳам ёзилган қатор,  
Унутмасин дегансан чоғи.  
Унутмадим, ўйлаганингдек,  
Ўша хушнуд дамларнинг ёдин.

Тонглар отди... Сени топмадим!  
Тунлар ботди... Сенсиз дийдираб!  
Аммо ҳамон кўзларимда чўғ  
Ёниб турар рашқдан зириллаб...

Ҳамон ўша-ўшадирман мен,  
Ўзгармади Ой билан юлдуз.  
Ҳамон ўша-ўшасан-у Сен,  
Аммо сана бошқадир, афсус...

Ўртамизда гина-кудурат,  
Бўлса ҳамки шунча аразлар.  
Ҳамон дилни энтиктирмоқда  
Қачонлардир сен ёзган хатлар...

\* \* \*

Кўкда оҳ ёнар, менинг  
Юрагимда фарёд бор.  
Ёрижон, келгин сенинг  
Ишқинг бўлай беғубор.

Куёшнинг жинси йўқдир,  
Ойнинг ўғил боласи.  
Шоирнинг бари битта  
Худойимнинг бандаси.

Мен ошиқман, лек билмам  
Кимни севиб қолганман.  
Балки севмоқлик учун  
Шоир бўлиб олганман.

Шеърда сўз ёнар, менинг  
Кўзимда бир кўз яшар.  
Алдолмайсан сен мени,  
Боламасман ўн яшар.

Кўкда оҳ ёнар, менинг  
Юрагимда бир бахт бор.  
Ёрижон, келгин сенинг  
Дардинг бўлай беғубор...

Юрагимдан кет ғубор,  
Юрагимдан кет ғубор...



## ОШИҚ ҰРИК



Соатим чиқиллайди...  
Ойнани чертар кимдир.  
Ким экан у? Юрагим  
Титрай бошлади дир-дир.

Шамол бўлса керагов  
Недандир суюнгандир.  
Шу бугун балки биров  
Кўзимни соғингандир...

Бўлди, бас, чидолмайман,  
Кўрайин-чи, ким экан?  
Тақ-тақ қилавериб-а,  
Менинг жонимга теккан...

Дарпардани очдим-у,  
Кулдим роса мириқиб.  
Тақ-тақ қилган одаммас –  
Экан қандак ўригим...



\* \* \*

Қадимги юнон файласуфи Гераклит  
«Ҳамма нарса оловдан келиб чиққан»,  
деб таълим берган.

Ишқ – олов,  
Дил – олов,  
Ер – олов,  
Ёнмоқда ишқ билан кўнгиллар.

Сен – олов,  
Мен – олов,  
Олов – У,  
Қара, куймоқда-ку бу диллар.

Сўз – олов,  
Шеър – олов,  
Куй – олов,  
Қўшиқда сўзларим ловуллар.

Меҳр – йўқ,  
Сеҳр – йўқ,  
Йўқ – адл,  
Оҳ, бунча шафқатсиз оловлар.

Дил ёнди,  
Ишқ ёнди,  
Ёнди кўз,  
Ёлғонлар юракни сеҳрлар.

Ишқ – олов,  
 Сен – олов,  
 Олов – У,  
 Оташга айланган мехрлар,  
 Ох, тошга айланган мехрлар.

\* \* \*

Кул бозорда ҳозир куллар сотилмайди,  
 Дил бозорда энди диллар сотилмайди.  
 Бевафо ёр, ёнимизга кела кўрманг,  
 Энди бизда ишқ-мехрлар топилмайди.

Йўқ, дедингиз, йўқлигимиз армон бўлди,  
 Кет, дедингиз, йўлларимиз равон бўлди.  
 Бугун сизни дунёлардан сўрамаймиз,  
 Соғинч ўлди, соғинч ўлди, соғинч ўлди.

Қайт демоққа ожиз қолди сўзларимиз,  
 Энди кўзлар интиқ-нолон термулмайди.  
 Мен юракни, сиз дунёни кўзладингиз  
 Нима учун, нега осмон қуламайди?

Йўқ, дедингиз, йўқлигимиз армон бўлсин!  
 Кет, дедингиз, йўлларингиз равон бўлсин.  
 Энди сизни осмонлардан сўрамаймиз,  
 Тилагимиз – юрагингиз осмон бўлсин!

\* \* \*

Эсиз, эсиз, эсиз, Онажон,  
Сизни ёмон ранжитган эдим.  
Ямоқ кўйлак киймайман дея,  
Ямоғингдан куз тортган эдим!

Қуриб кетсин қўли калталиқ,  
Қуриб кетсин у совуқ сўзлар.  
Қуриб кетсин, ямоқ тегмаган  
Эгнимдаги шойи, атласлар...

Қайдасан, эй, эски кўйлагим?  
Сени киймоқ истайман яна...  
Парча-парча бутун юрагим,  
Энди уни ямаб бер, она!





## ГУЛ

Мендан битта гулга қарздорсиз,  
Дунёсидан топилмас бир гул.  
Ишқим қолди бўз, харидорсиз  
Сиздан кўнгил уздим, мен буткул.

Сиз кетдингиз шуни кутгандек,  
Сўнги сўзни айтмай кетдингиз.  
Кўнглим билан биз ёлғиз қолдик,  
Балким сиз муродга етдингиз.

Шундан буён шеърларим маҳзун  
Ва шунчаки яшаб юрибман.  
Кунлар қисқа, тунларим узун,  
Қайда, қачон, нега севибман?

Хурсанд бўлманг, умид сўнмади.  
Мен яшашга ошуфта ҳамон.  
Ҳамма кўнди, кўнгил кўнмади.  
Бошлайверди мени сиз томон.

Оҳ, хотира бунчалар ёмон  
Ўн саккизда қолган озорсиз!  
Йўлингизга кўз тиккум ҳамон,  
Ахир, битта гулга қарздорсиз!!!

## АДАШГАН КАПАЛАК

Баҳор боғларидан келган адашиб  
 Кузги хазонларда юрган капалак.  
 Баҳору кузлари адашиб кетган  
 Кўксимда яшайди бир юрак.

Унинг тунлари йўқ, кундузлари йўқ.  
 Фақат оғриқларни сезади, фақат.  
 Унинг осмоню юлдузлари йўқ  
 Унинг ботинида соғинчлар қат-қат.

Қуюқ туман аро йўқолиб кетган  
 Анов капалакнинг қадрдон боғи.  
 Унинг қанотига жароҳат етган,  
 Менинг юрагимда оғриқлар доғи.

Балки баҳорларни топса бўлади,  
 Балки туманлари тарқар боғларнинг.  
 Эҳтимол, қорлардан ўтса бўлади,  
 Эҳтимол, давоси бордир доғларнинг.

Баҳор боғларидан келган адашиб,  
 Кузги хазонларда юрган капалак.  
 Баҳору кузлари адашиб кетган  
 Телба юрагимга бир даво керак.

Увиллади бечора даштлар,  
Ғувиллади тун бўйи шамол.  
Энди юрак дод сола бошлар,  
Энди нурга айланди хаёл.

Сўнг дунёлар соврилди бетин,  
Мен сен учун сўзларни тиздим.  
Яраландим, яралдим беун,  
Ишқ йўлини пиёда кездим.

Шу-шу дилда жаранглайди бахт,  
Бошларида кумуш қўнғироқ.  
Тангрим, мени куй қилиб ярат,  
Юракларни сайр этай узоқ...



## ЎНИШ

Кўнглим ёниб кетди менинг,  
Дилим ёнди қўшилиб.  
Қалбинг хотиржамми сенинг,  
Кетмадимми тўкилиб?

Ишқим кулга айланди,  
Рашким ўт қўйди лов-лов.  
Сенинг ишқинг омонми –  
Ямламадимми олов?

Бағрим осмонга дўнди,  
Юрагим шафақларга.  
Тўлди, юрагим тўлди  
Нурли-нурли шахдларга.

Кўксим ёнмоқда менинг,  
Бўшлиқларим ёнмоқда.  
Осмонинг борми сенинг  
Юлдузга айланмоққа?





## ХАБАР ЙЎҚ



Қара, йўллар текис ва равон,  
Қара, бизда кезмайди совуқ.  
Шунча имкон бўлса ҳам нега,  
Ҳамон сендан бирор хабар йўқ?

Қара, тунлар чўкмайди бунда,  
Тиконларнинг кўзлари юмуқ.  
Ахир, сенга нима етмайди,  
Нега ҳамон бирор дарак йўқ?

Гулларимни ўлдириб қўйдим,  
Ёмғирларга уравериб дўқ.  
Кўчам лой ҳам, чанг ҳам эмасдир,  
Бироқ сендан бирор хабар йўқ.

Инжиқланиб ёмғир ҳам ёғди,  
Излаб изинг, қайтиб келди ўқ!  
Баҳорлардан хабар келди-ю,  
Лекин сендан ҳамон хабар йўқ!



## МАНЗИЛ

Самодан бир туш келди,  
Сен бахтиёр эмишсан.  
Юракка бу хуш келди,  
Ўйлабсан-да, демак сан!

Мисрадан нидо келди,  
Беқарор сабо келди.  
Оҳ десам, юрагимга  
Жаннатий ҳаво келди.

Нега йиғлагим келди,  
Нимагадир жилмайгим.  
Энди сенсиз бу озор,  
Дардга қандай чидайин?

Олисдан карвон келди,  
Юрагимга хушхабар.  
Бироқ сени топмадим,  
Бекор бўлди туш, хабар...

Англаганим аслида,  
Сен кўзимнинг аксида.  
Мен эса энди сенинг  
Муҳаббатинг баҳсида.

Нега нурдан яратдинг,  
Энди ёнгум қайгача?  
Мунча мени қийнадинг  
Ишқдан муҳаббатгача!



Сени алқадим яна  
 Туроқдан тууроққача.  
 Менинг борар манзилим  
 Юракдан юраккача.

\* \* \*

Юлдуз учди, энг ёруғ юлдуз  
 Юрагимга учиб келяпти.  
 Нигоҳингнинг озорлари, ёр,  
 Нигоҳимга кўчиб келяпти.

Барглар учди, хазонлар учди,  
 Учиб кетди дилдаги ғамлар.  
 Ғамларга қўшилиб, азизим,  
 Учиб кетди кўзимдан намлар...



\* \* \*

Тўрт томонга сочилиб кетдим,  
Хаёлларим йиғолмаяпман.  
Балки осмон тубига етдим,  
Балки ерга... билолмаяпман.

Эҳтимол, мен ғусса даштида  
Юргандирман ишқсиз, дийдираб.  
Балки чўлу биёбонларни  
Кезадирман Мажнунга ўхшаб.

Тўрт томоним кутар, кўзи тўрт,  
Ҳар биттаси бир умрлик йўл.  
Қани энди имкони бўлса,  
Томонларсиз яшамоқ маъқул.

Тўрт томондан энди ўзимни  
Кўзларингга йиғиб оларман...  
Қумлар ювсин бари изимни,  
Энди сенман, сенда қоларман.

Фақат сенда...  
Сенда қоларман...



## ЎЗИМ БИЛАН СУҲБАТ



Сўрадинг сен мендан эркинлик  
Осмони кенг бўлган,  
Ҳавоси чексиз...  
Кенгликлар истадинг:  
«Борайлик!»  
Юр,  
Унинг кўзлари бепоён кенглик.  
Дединги,  
Яшашни истайман «тартибсиз».  
Боқ, бундан тартибсиз яшаб бўлурми?  
Жар солиб айтайлик:  
«Ҳа, ҳа, севаман!»  
Тўхтагин  
Ҳавволар очмайди сирни...  
Кетайлик бош олиб,  
Дединг: «Иккимиз...»  
Кел,  
Ёниб яшаймиз музликда.  
«Ахир, у ёқларда тошбағирлар йўқ  
Музтошга айлансин севгимиз!»  
Кечир, мен  
Яшайман тонг билан бирга  
Дединг: «Эй афифим<sup>1</sup>, бу байзо<sup>2</sup> хулё<sup>3</sup>.»  
Сен ишқсан,  
Мен эса ақлман.  
Биз – юрак аталмиш яширин дунё!

<sup>1</sup> Афиф – иффатли.

<sup>2</sup> Байзо – қуёш.

<sup>3</sup> Хулё – хаёлий нарса.

## АНГЛАШ

Энди бари ойдинлашди,  
Энди бари безабон,  
Сархуш.  
Менинг юрагимнинг шаклида  
Кезиб юрар осмонда бир қуш.  
Ва ниҳоят,  
Ҳаммаси аён,  
Сен телбами  
Ёки мен беҳуш.  
Хув хазонлар мамлакатада  
Кезиб юрар иккимиз.  
Бор туш...  
Шукур, бори  
Айланди ростга.  
Мен эркинлик,  
Сен чексиз  
Кенглик!  
Англаганим, дунёйимизда  
Сокинлик бор эди,  
Фақат  
Сокинлик!!!



## МЕН СЕНИ...

Мен сени самодан яратиб олдим,  
Мен сени рўёдан яратиб олдим,  
Мен сени оҳангдан таратиб олдим,  
Келгин сен, келгин сен, келгин сен...

Мен сени қуёшдан қаратиб олдим,  
Дунёдан, тоғлардан ажратиб олдим.  
Мен сени жимитдек юракка солдим  
Севгин сен, севгин сен, севгин сен!!!

Мен сени осмонга менгадим, орим,  
Мен сени булутдан кузатдим, толдим.  
Билмадим, билмадим, сен бунча зодим,  
Кел... кетгин, кел... кетгин, келгин... кет!

Мен сени англашни истадим, кимсан?  
Мен сени чорладим, эшитдинг, жимсан!  
Сен менинг ишқимсан, менинг ишқимсан,  
Севгин... сев, севгин... сев, севгин... сев!



Мен тошга айланай, дедим,  
Бўлмади,  
Безовта ларзонга айландим.

Мен гулга ўхшашни истадим,  
Аmmo  
Дилтитрар мезонга айландим.

Сўнг шамол бўлмоққа айладим жазм,  
Бироқ  
Исёнкор тўзонга айландим.

Мен тагин истадим баҳор бўлмоқни,  
Боқинг,  
Иложсиз, хазонга айландим.

Истадим муҳаббат бўлмоқни охир,  
Афсуски,  
Сарсонга айландим...

Тўғримас ҳеч бири руҳимга,  
Ахир,  
Мен қачон инсонга айлангум?!





Уч нуқта... Бу –  
 Сенинг исминг.  
 Уч нуқта... Бу –  
 Менинг исмим.  
 Бир замонлар  
 Учта нуқтадан,  
 Энтикарди  
 Юрагим, жисмим.  
 Эслолмайман,  
 Аслида кимсан?  
 Дунёларга ҳайқирдим,  
 Жимсан.  
 Исминг атаб  
 Ахтарай десам,  
 На чораки,  
 Сен исмсизсан!  
 Уч нуқта... Бу –  
 Ўртамиздаги  
 Ишқ йўлини узган  
 Тафовут...  
 Сўзларимни, изҳорларимни  
 Нуқта билан тугатдим...  
 Унут.  
 Мен нуқтаман –  
 Йўлларни ютган,  
 Фақат хаёл яшар  
 Хурликда.  
 Бутун умр

Ёниб кутганим  
 Сен – озодлик рамзи:  
 Уч  
 Нуқта...

\* \* \*

Фарёд солди,  
 Дод солди,  
 Охир отилиб чиқди.  
 Қайси ғамга чидолмай  
 Булут тўкилиб тушди.  
 Ўзин урди  
 Ўнг-сўлга,  
 Чорасин тополмади.  
 Охир тўкилди  
 Ерга,  
 Кўкда юлдуз қолмади.  
 Шарқу ғарбни  
 Кезди-ю,  
 Топмади топилғини.  
 Пешонасин ёрганми,  
 Кўрдим ой синиғини.  
 Изладим  
 Телба, ночор...  
 Ер юзин кезиб чиқдим.  
 «Сен» дегандим,  
 Йўлимга  
 Осмон  
 Тўкилиб тушди!

Бировлар юриб йўл босади,  
Бировлар югуриб яшайди.  
Кимдир ҳатто учмоққа қодир...  
Мен эса  
Шундоқ кўзимни юмаман-у,  
Улкан бир дунёнинг  
Қаршисидан чиқаман.  
Бу дунёнинг номи  
Сокинлик...  
Ташвишни,  
Тундликни,  
Ғашликни  
Ва ҳаттоки ҳижронни ҳам ютгувчи  
Сокинлик!  
На чораки, дунёйингиздан  
Кўзни юмиб ўтишликнинг  
Ҳуқуқи йўқ...



## МАСРУРЛИК

Мен Мажнуннинг ишқида ёнган,  
Олов қалбдан қолган озорман.  
Ишқ ҳам тонган, согинч йўқолган.  
Мен ўзимдан қаттиқ безорман.

Оловланмай ёниб кетган дил  
Фарёдига тушунмай лолман!  
Масту аласт яшамиш Бедил,  
Ичмай туриб мастман, беҳолман.

Дунёларни пиёда кезиб,  
Яна такрор ёнсам майлига.  
Фақат сенинг борлигинг сезиб,  
Сўнг кетаман кўнгил сайлига!



## МУҲДАРИЖА

Она юрт.....	43
«Сўроқман...».....	44
Қоида.....	45
Бедорлик.....	46
Безовта тонг.....	47
Халқона.....	48
Куникиш.....	50
«Қулаб тушмаяпти...».....	51
Соатсоз.....	52
Ўн саккиз ёш.....	53
Бағритош.....	54
Сулув қиз ва баҳодир ҳақида.....	55
Мактублар.....	57
«Кукда оҳ ёнар...».....	58
Ошиқ ўрик.....	59
«Ишқ – олов...».....	60
«Қул бозорда...».....	61
«Онажон...».....	62
Гул.....	63
Адашган капалак.....	64
«Увиллади бечора даштлар...».....	65
Ёниш.....	66
Хабар йўқ.....	67
Манзил.....	68
«Юлдуз учди...».....	69
«Турт томонга...».....	70
Ўзим билан суҳбат.....	71
Англаш.....	72
Мен сени.....	73
«Мен тошга айланай...».....	74
«Уч нуқта.. бу...».....	75
«Фарёд солди...».....	76
«Бировлар юриб йўл босади...».....	77
Масрурлик.....	78

*Adabiy-badiiy nashr*

**Hafiza Abdumalikova**

## **VATAN QUYOSHI**

*She'rlar*

*Musavvir*

**Uyg'un Solihov**

*Musahhih*

**Gulchehra Azizova**

*Sahifalovchi*

**Saidahmad Saidrashodov**

Nashriyot litsenziyasi AI № 170 23.12.2009.

Bosishga ruxsat etildi 14.05.2019. Bichimi 70x90 <sup>1/32</sup>  
Ofset bosma. «Palatino Linotype» garniturası. 6.0 nashr t.  
5.0 bosma t. Adadi 10 000 nusxa. Buyurtma № 290.

«Navro'z» nashriyoti, Toshkent shahar,  
Amir Temur ko'chasi, 19-uy.

«Saydana-Print» MChJ bosmaxonasida chop etildi.  
Toshkent sh. Qamarniso, 3. E-mail: Saydana-print@mail.ru.  
Tel.: +99891 162-08-43, +99899 862-08-43.



HAFIZA  
ABDUMALIKOVA

*1997 yili Toshkent viloyatining Bekobod tumanida tug'ilgan. Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti talabasi. Respublika yosh ijodkorlarining Zomin seminari ishtirokchisi (2017).*

ISBN 978-9943-566-70-5



9 789943 566705